

Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2025 йил 13 август куни, жиноят ишлари бўйича Бандихон туман суди, очик суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги ЖИЭД 4-минтақавий ҳудуд 9-сон тергов ҳибсхонаси билан видеоконференцалоқа режимида, туман судининг раиси О.Каримовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Бозоровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бандихон туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Усмонов, судланувчи Ғ.Тўраев ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Каримов, жабрланувчилар Д.Жамолова ва Г.Джамалованинг иштирокида, судланувчи Ғ.Тўраевга оид 1-1907-2501/38-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Тўраев Ғайрат Хамидович /*To`rayev G`ayrat Xamidovich*/, 1974 йил 13 декабрда Музработ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, хотини билан ажрашган, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, иш бўйича “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, 2025 йил 12 июндан қамоқда сақланаётган, Қизириқ “Қорасув” маҳалласида яшовчи, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 3 апрелда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-модаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўргазмаларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокара нутқлари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, муҳокама қилиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Ғ.Тўраев жиноят содир этиш йўлига кириб, жиноят ишининг унга оид қисми алоҳида иш юритувга ажратилган бошқа шахс билан бир гуруҳга бирлашиб, 2025 йил 11 январь куни соат 14:15 ларда Қизириқ тумани “Қорасув” маҳалласидан ўтган автомобил йўлида ҳаракатланиб келаётган М.Жўраев бошқарувида бўлган “ISUZU” русумли автобуснинг жамоат транспорти эканлигини билган ҳолда, ўзига олдиндан таниш бўлмаган Қизириқ тумани “Кунчиқиш” маҳалласида яшовчи фуқаро Г.Джамалова ва унинг опаси Д.Жамолова билан ўзаро тортишиб, жанжаллашиб қолиб, жанжал вақтида Г.Джамалова ва унинг опаси Д.Жамаловани баданининг турли соҳаларига уриб, уларга қасддан тан жароҳати етказишган.

Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Сурхондарё филиали Жарқўрғон пунктининг 21.01.2025 йилдаги №29-сонли тиббий экспертиза хулосасига кўра, фуқаро Д.Жамалованинг баданида яъни пешона чап томонида шиш ва болдир ўрта учлиги ички юзасида қонталаш каби тан



жароҳатлари мавжудлиги, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича 6 кундан ошмайдиган тез ўтиб кетувчи оқибатли “ЕНГИЛ” тан жароҳатлари эканлиги қайд этилган.

Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Сурхондарё филиали Жарқўрғон пунктнинг 21.01.2025 йилдаги №30-сонли тиббий экспертиза хулосасига кўра, фуқаро Г.Джамалованинг баданида яъни чап елка пастки учлиги ички юзаси, ўнг елка ўрта учлиги ташқи юзаси, ўнг сут безида қонталашлар каби тан жароҳатлари мавжудлиги, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича 6 кундан ошмайдиган тез ўтиб кетувчи оқибатли “ЕНГИЛ” тан жароҳатлари эканлиги қайд этилган.

Судланувчи Ғ.Тўраев судда, айбига иқдорлик билдирмасдан, К.Маматёкубов жияни эканлиги, 2025 йил 11 январь куни опаси Ғ.Тўраева кизини турмушга бераётганлиги учун Ангор туманида жойлашган “Янгишаҳар” номли тўйхонага оила-аъзолари билан бирга борганликлари, базмда спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги, соат 13-30 ларда “Янгишаҳар” тўйхонасидан ўзи, келини, жиянлари С.Маматёкубова ва К.Маматёкубов билан бирга Қизирик тумани “Қорасув” маҳалласида жойлашган яшаш уйига бориш учун йўлга чиқишганлиги, йўл четида туришганида, уларнинг олдига кейин билишича М.Жўраевнинг бошқарувидаги “Исузу” русумли автобус келиб тўхтаганлиги, шериклари билан автобусга чиқишганлиги, К.Маматёкубов автобуснинг хайдовчи ўриндиғи орқа томонидаги бўш ўриндиққа ўтирганлиги, ўзи К.Маматёкубов ўтирган ўриндиқнинг қарама-қарши томонидаги ўриндиққа, жияни С.Маматёкубова ва келини орқа томондаги бўш ўриндиқларга бориб ўтирганлиги, йўлда келаётганда К.Маматёкубов ва ўзига таниш бўлмаган кейинчалик билишича Д.Жамолова ҳамда унинг опаси Ғ.Джамалова ўзаро тортишиб қолишганлиги, ўзи уларни ажратмоқчи бўлганлиги, шундан сўнг автобус уйига яқинлашиб қолганлиги учун тушиб қолганлиги, Д.Жамолова ҳамда Ғ.Джамалова ўзи ва жиянини ҳақорат қилганлиги, ўзи ҳам уларни ҳақорат қилган бўлиши мумкинлиги, бироқ ўзи ҳеч кимни урмаганлиги, Д.Жамолова ва Ғ.Джамаловага ким тан жароҳати етказганлигини билмаслиги, шундай бўлсада қилмишидан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи Ғ.Тўраев айбига иқдор бўлмаса-да, унинг айби қуйида далиллар билан, хусусан:

- жабрланувчи Ғ.Джамалованинг судда, 2025 йил 11 январь куни соат 07:00 ларда опаси Д.Жамолова билан шахсий иши юзасидан Термиз шаҳрига боришганини, ишларини тугатиб бўлиб соат 11:30 ларда уйга қайтиш учун Термиз шаҳридаги автошоҳбекатга бориб автобусда Қизирик туманига қараб йўл олишганини, хайдовчи М.Жўраев уларга таниш бўлгани учун опаси хайдовчининг ёнидаги олд ўриндиққа ўтирганини, у эса хайдовчининг орқа томонидаги 2 кишилик ўриндиқнинг дераза ён томонидаги бўш турган ўриндиғига бориб ўтирганини, автобус Ангор туманида жойлашган “Янгишаҳар” тўйхонанинг ёнига етиб келиб тўхтаган вақтида йўлдан 2 нафар эркак киши ва 2 нафар аёл киши йўловчи сифатида автобусга чиққанини, эркак



кишиларнинг маст ҳолатда эканлиги шундоқ кўринишидан ҳамда тарқалаётган ҳидидан ҳам билиниб турганини, шу эркакларнинг бири кейинчалик билишича К.Маматёқубов унинг ёнидаги бўш ўриндиққа ўтирганини, кейингиси, яъни Ғ.Тўраев эса кириш эшигининг ёнидаги биринчи бир кишилик ўриндиққа ўтирганини, Қизирик тумани “Қорасув” маҳалласи худудига етиб келган пайтида унинг ёнида ўтирган маст ҳолдаги К.Маматёқубов унга шилқимлик қилиб гап ота бошлаганини, К.Маматёқубов ундан телефон номерини сўраганида, унга “телефон рақамимни нима қиласиз?” деганлиги, у “бир қултум сув билан ичадиган экансиз” деб шилқимлик қила бошлаганлиги, у ўзини дераза томонга тортиб, унга об-ҳаво яхши эканини, олдига қараб жим кетишини айтганини, шу вақтда опаси уларни кузатиб тургани учун уни ёнига чақириб ўтиришини сўраганини, К.Маматёқубов ундан опасини кўрсатиб “сизга ким бўлади?” деб сўраганлиги, унга опаси бўлишини айтганини, ўзи автобус совуқ бўлгани учун автобусда бўлган кўрпача билан оёқларини ёпиб келаётганлиги, К.Маматёқубов кўрпачанинг остидан қўлини тикиб, унинг ўнг сонидан ушлаб олганини, унинг қилаётган ҳаракатларини сезиб, кўрпачани кўтариб опасининг олдига бориб ўтирганини, К.Маматёқубов ортидан унга шилқимлик қилиб гапира бошлаганини, унга қараб “опаники совуб кетибди, опани қиздириш керак” деб гапирганини, автобусни бошқариб бораётган М.Жўраев тинчлантиришга ҳаракат қилганлиги, шу вақтда опаси К.Маматёқубовга “онанг қатори аёлга нима деб гапиряпсан, жим кетсанг бўлмайдим” деганлиги, К.Маматёқубов опасини куракда турмайдиган сўзлар билан сўкиб ҳақоратлаб ташлаганини, шу вақтда Ғ.Тўраев ҳам гапга араллашиб “аёл бўлганидан сўнг гапирадида” деб К.Маматёқубовнинг ҳаракатларини маъқуллаб турганини, шу пайтда улар манзилга етиб келишганини билдириб ҳайдовчига тушиб қолишларини айтишганини, ўзига тегишли бўлган телефон аппаратига уларни видео тасвирга тушира бошлаганини ва улардан “-Нима дединг гапир?”-деб сўрай бошлаганини, шунда Ғ.Тўраев “-Любой жойда жавоб бераман сенларга.”-деб гапирганини, К.Маматёқубов уларга қараб ҳақоратлаб кетганида, унинг бу гапига у ҳақоратли сўзлар билан жавоб қайтарганини, шунда К.Маматёқубов автобусдан туша туриб ўз-ўзидан уни ва опасининг ёнига келиб қўлини мушт қилган ҳолда уриб кетганини, зарба натижасида ўзининг қўлидаги телефон аппарати ерга тушиб кетганини, шунда К.Маматёқубов ваҳшийларча унга ва опасига ташланиб уларнинг дуч келган жойига уриб, тепиб кетганини, у опасининг пешона ва бош қисмига, унинг иккала елкаси ва ўнг кўкрак соҳасига зарб билан уриб тепиб ташлаганини, Ғ.Тўраев эса унинг сочидан тортиб бош қисмига қўлини мушт қилган ҳолда бир неча маротаба урганини, уларни ҳайдовчи М.Жўраев ва бошқалар ажратишга ҳаракат қилишганини ва зўрға ажратиб қолишганини, шундан сўнг у пастга тушиб кетган телефон аппаратини қўлига олиб уларни яна видеотасвирга тушира бошлаганини, шунда К.Маматёқубов автобусдан тушиб кетаётиб ҳақорат қилиб тушиб кетганини, улар эса йўлида давом этишганини, шу билан туман тиббиёт бирлашмасига келиб вақтинчалик ётиб даволанишганини, 2025 йил 11 январь



куни автобусда у, опаси Д.Жамолова, К.Маматёкубов, Ғ.Тўраев, Ғ.Тўраевнинг турмуш ўртоғи ва опаси, орқа ўриндикда яна 2 нафар йўловчи бор эканини, шу куни бўлган жанжалда у К.Маматёкубов ва Ғ.Тўраевни уриб тан жароҳати етказмаганини, у ва опаси фақат уларни ҳақоратига жавобан ҳақорат қилишганини, судланувчи Ғ.Тўраев ва унинг шериги улардан кечирим сўрамаганини, шу сабабли уларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраганини ҳақидаги кўрсатуви;

- жабрланувчи Д.Жамоловнинг судда, жабрланувчи Г.Джамаловнинг кўрсатувларини тасдиқлаб, 2025 йил 11 январь куни соат 07:00лар атрофида синглиси Г.Джамалова билан шахсий иши юзасидан Термиз шаҳрига кетишганини, ишларини тугатиб бўлиб соат 11:30 ларда уйга қайтиш учун Термиз шаҳридаги автошоҳбекатга бориб автобусда Қизириқ туманига қараб йўл олишганини, ҳайдовчи М.Жураев уларга таниш бўлгани учун у ҳайдовчининг ёнидаги олд ўриндикқа ўтирганини, синглиси эса ҳайдовчининг орқа томонидаги 2 кишилиқ ўриндикнинг бўш турган ўриндигига бориб ўтирганини, шу билан Ангор туманида катта йўлнинг бўйида жойлашган “Янги шаҳар” номли тўйхонанинг ёнига етиб келган пайтида йўлдан 2 нафар эркак киши ва 2 нафар аёл киши йўловчи сифатида автобустга чиқишганини, эркак кишиларнинг маст ҳолатда эканлиги шундоқ кўринишидан билиниб турганини, ушбу эркакларнинг бири кейинчалик билишича К.Маматёкубов синглисининг ёнидаги бўш ўриндикқа ўтиришганини, Ғ.Тўраев эса кириш эшигининг ёнидаги биринчи бир кишилиқ ўриндикқа ўтирганини, шу билан йўлда кетаётиб Қизириқ тумани “Қорасув” маҳалласи ҳудудига етиб келган пайтида синглисининг ёнига ўтирган маст ҳолдаги К.Маматёкубов синглисига шилқимлик қилиб гап отаётганини кўриб қолганини ва синглиси ёнига келиб ўтиришини айтганини, кейин синглиси унинг ёнига келиб ўтирганини, шунда ҳам К.Маматёкубов синглисига қараб “бу опа яхлаб қолибди, буни қиздириш керак” деб беодоблик билан гап отишда давом этиб келаверганини, унинг бу гапига эса Ғ.Тўраев “хайяра” деб қўшилиб келаверганини, бундан унинг жаҳли чиқиб К.Маматёкубовга қараб “онанг тенги аёлга ҳам шундай гапирасанми?!” деб гапирганини, шунда К.Маматёкубов ўзини ҳақорат қила бошлаганини, шу пайтда улар манзилга етиб келишганини билдириб, ҳайдовчига тушиб қолишларини айтишганини, синглиси ўзига тегишли бўлган телефон аппаратига уларни видео тасвирга тушира бошлаганини ва улардан “нима дединг, гапир” деб сўрай бошлаганини, шунда Ғ.Тўраев “-Любой жойда жавоб бераман сенларга.”-деб гапирганини, шу пайтда К.Маматёкубов уларни ҳақорат қилганини, унинг бу гапига синглиси “сенгаям” деб ҳақоратини қайтарганини, шунда К.Маматёкубов автобусдан туша туриб ўз-ўзидан унинг ва синглисининг ёнига келиб қўлини мушт қилган ҳолда уриб кетганини, зарба натижасида синглисининг қўлидаги телефон аппарати ерга тушиб кетганини, шунда К.Маматёкубов ваҳшийларча унга ва синглисига ташланиб уларнинг дуч келган жойига уриб-тепиб кетганини, унинг пешона ва бош қисмига зарб билан бир неча маротаба урганини, Ғ.Тўраев эса синглисининг сочидан тортиб бош қисмига қўлини мушт қилган ҳолда бир неча маротаба урганини, уни



хайдовчи М.Жураев ва бошқалар ажратишга ҳаракат қилишганини ва зўрға ажратиб қолишганини, шундан сўнг синглиси пастга тушиб кетган телефон аппаратини қўлига олиб уларни яна видео тасвирга тушира бошлаганини, улар йўлида давом этганини, шу билан туман тиббиёт бирлашмасига келиб вақтинчалик ётиб даволангани, жанжалда К.Маматёкубов маст ҳолда синглиси Г.Джамаловага гап отиб тегажөөлик қилгани учун бошланиб кетганини, жанжалда Ғ.Тўраев уни урмаганини, аммо синглиси Г.Джамалованинг сочидан тортиб унинг бошига қўлини мушти билан урганлиги, Ғ.Тўраевга нисбатан қонуний чора кўришни сўраши ҳақидаги кўрсатуви;

- тарафларнинг розилигига кўра кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ М.Жўраевнинг дастлабки терговда, 1984 йилдан буён ҳайдовчилик фаолияти билан шуғулланиб келишини, ҳозирги кунда ўзига тегишли бўлган “ISUZU” русумли автобусда Қизирик туманидан Термиз шаҳрига йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиб келишини, у ҳар куни соат 07:00 ларда Қизирик туманидан йўлга чиқиб, соат 08:30 ларда Термиз шаҳрига етиб боришини, Термиз шаҳридан соат 13:30 ларда йўлга чиқиб, соат 15:30 ларда Қизирик туманига етиб келишини, 2025 йил 11 январь куни ўзининг бошқарувида бўлган автобусда Термиз шаҳридан Қизирик туманига қараб йўлга тушганини, автобусда йўловчилар бор эканини, унга олдиндан таниш бўлган Қизирик тумани “Кунчиқиш” маҳалласида яшовчи Жамолова Гулбахор ва унинг опаси Жамолова Дилоромлар ҳам унинг бошқарувида бўлган автобусда Қизирик туманига келаётган эканини, Жамолова Гулбахор унинг ўриндиғи орқа томонида, Дилором эса унинг ўнг ён томонида жойлашган яккалик ўриндикда ўтириб келаётган эканини, улар Ангор туманида жойлашган “Янги шаҳар” тўйхонаси олдида келиб тўхташганини, шу ердан унга нотаниш икки нафар маст ҳолатдаги эркак ва улар билан бирга икки нафар аёл киши автобусга чиқишганини, улар Қизирик туманига боришини билдиришганини ва эркаклардан бири яъни нисбатан ёшроқ йигит унинг орқа томонидаги ўриндикда ўтириб келаётган Жамолова Гулбахорнинг ёнига ўтирганини, у билан бирга чиққан ёши каттароқ эркак эса уларга қарама-қарши томондаги ўриндикқа ўтирганини, у автобусни Қизирик туманига қараб бошқариб бораётган вақтида Жамолова Гулбахор ва унинг ёнида ўтирган йигитнинг ўзаро тортишиб келаётганини эшитганини, маст ҳолатдаги йигит ҳаммага эшитиладиган ҳолатда “-Опани иситиш керак, опа совқотибди.”-деган гапларни гапириб, Жамолова Гулбахор билан тортишиб келаверганини, Қизирик тумани “Қорасув” маҳалласидан ўтган йўлдан ҳаракатланиб келаётган вақтида уларнинг ўзаро тортишуви кучайиб, Жамалова Гулбахорнинг ёнида ўтириб келаётган йигит унинг юз соҳасига қўллари билан ура бошлаганини, шу вақтда жанжалга уларга қарама-қарши томонда ўтирган маст ҳолатдаги эркак ҳам аралашиб у Жамалова Дилоромни ура бошлаганида уларни ажратиб Қизирик тумани “Қорасув” маҳалласидан ўтган йўл бўйида тушириб юборганини, сўнгра автобусда бўлган фуқароларни Қизирик тумани марказига олиб келиб туширганини ва ўзининг Қизирик тумани “Халқобод”



махалласида жойлашган яшаш уйига кетганини, 2025 йил 11 январь куни автобусда унга таниш ва нотаниш бўлган тахминан 5-6 нафар йўловчилар бор эканини, 2025 йил 11 январь куни унга таниш бўлмаган кейинчалик билишича Маматёқубов Камол тоғаси Тўраев Ғайратлар тўйдан спиртли ичимлик истеъмол қилишгани учун маст ҳолатда унга тагишли бўлган автобусга чиқиб, автобусда келаётган Жамалова Гулбахор ва унинг опаси Жамолова Дилоромга гап отишидан жанжал юзага келганини, 2025 йил 11 январь куни Маматёқубов Камол тоғаси Тўраев Ғайратлар Жамолова Дилором ҳамда Джамалова Гулбахорларни уриб уларга тан жароҳати етказганини, 2025 йил 11 январь куни автобусда содир бўлган жанжалли ҳолатда Маматёқубов Камол ва Тўраев Ғайратларни бирон-бир киши урганани кўрмаганини, аммо Маматёқубов Камол автобуснинг кўзгусига осилиб турган кўзмунчоқни узиб олган пайтида қўлидан жароҳат олгани учун қўлидан биров қон оққанлиги ҳақидаги кўрсатуви;

- ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова фотосуратлар, судга оид тиббий экспертиза хулосалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ғ.Тўраевнинг бир гуруҳ бўлиб, безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Гарчи, судланувчи Ғ.Тўраев айбига иқрорлик билдирмасдан, жиноят содир этмаганлиги, ҳеч кимни урмаганлиги ҳақида кўрсатув берган бўлсада, суд унинг кўрсатувларини жавобгарликдан қутилиш мақсадида келтирилган ҳамда ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келмайдиган асоссиз важлар деб баҳолаб, жабрланувчилар Д.Жамолова ва Г.Джамалованинг суддаги кўрсатувлари, гувоҳ М.Жўраевнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари, суд тиббий экспертиза хулосалари ҳамда ишдаги бошқа мақбул далиллар билан рад қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозимлиги, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи



Ғ.Тўраевга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55 ва 56-моддаларида назарда тутилган жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, яъни унинг шахсини, муқаддам судланмаганини, айбига иқрор эмаслигини, оилавий аҳволини, қарамоғида фарзанди борлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси борлигини инобатга олиб, талқин қилинаётган модда санкцияси доирасида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни ЖКнинг 62-моддасига асосан қамоқда сақланган ҳар бир кунини тайинланган жазодан чегиришни, Ғ.Тўраевга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилиб, уни тергов ҳибсхонасидан озод қилишни, жабрланувчиларга жиноят оқибатида етказилган зарарни ундириш бўйича тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, фуқаролик ишларини судда юритиш тартибида, мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқордагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468 ва 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

х у к м қ и л д и:

Тўраев Ғайрат Хамидович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтларда Қизирик тумани, “Қорасув” маҳалласида жойлашган яшаш хонадонидан чиқиши чекланган ҳолда 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Тўраев Ғайрат Хамидовичнинг 2025 йил 12 июндан 2025 йил 13 августга қадар қамоқда сақланган ҳар бир куни тайинланган 3 йил озодликни чеклаш жазосидан чегирилсин ва ишлаган тақдирда, иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган иш вақтидан ташқари, Қизирик тумани, “Қорасув” маҳалласидаги яшаш жойидан чиқиши бутунлай чекланган ҳолда, 2 йил 10 ой озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида Тўраев Ғайрат Хамидовичнинг зиммасига:

- Қизирик тумани ИИБ бошлиғининг розилигисиз яшаш ёки иш жойини ўзгартирмаслик;
- Сурхондарё вилояти ҳудудидан четга чиқмаслик;
- Алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик каби қўшимча тақиқ(чеклаш)лар юклансин.

Жазонинг ижро этилишини назорат қилиш Қизирик туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин ва жазо муддати маҳкум ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Тўраев Ғайрат Хамидовичга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги ЖИЭД 4-минтақавий ҳудуд 9-сон тергов ҳибсхонасидан озод қилинсин.

Жабрланувчиларга жиноят оқибатида етказилган зарарни ундириш бўйича тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, фуқаролик ишларини судда юритиш тартибида, муурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томонларга ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхаси топширилган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга, прокурор протест келтиришга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи:

имзо

О.Каримов

Аслига тўғри

О.Каримов



Ҳужжат имзоланган: Каримов Отабек Жўраевич, 19.08.2025

